# Мавзу:

## ЁНҒИНДАН САҚЛАШ ХИЗМАТИ, УНИНГ ТУРЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

# Режа:

1. Ёнғиндан сақлаш хизмати ва унинг турлари.
2. Ёнғиндан сақлаш хизматининг асосий вазифалари.
3. Давлат ёнғиндан сақлаш хизмати.

- **Ёнғиндан сақлаш хизмати** — одамларнинг ҳаёти ва соғлиғини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини, атроф табиий муҳитни ёнғинлардан ҳимоя қилиш, шунингдек объектларда, аҳоли пунктларида ҳамда бошқа ҳудудларда ёнғин хавфсизлигини талаб даражасида сақлаб туриш мақсадида белгиланган тартибда ташкил этилган бошқарув органлари, кучлар ва воситалар мажмуи;
- **ёнғин хавфсизлиги** — одамларнинг, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкининг, шунингдек атроф табиий муҳитнинг ёнғинлардан ҳимояланганлиги ҳолати;
- **ёнғин хавфсизлиги талаблари** — ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган ижтимоий ва (ёки) техник хусусиятга эга махсус шартлар.

# Ёнғиндан сақлаш хизмати

## Ёнғиндан сақлаш хизматининг асосий вазифалари:

Қуйидагилардан иборат:

- ёнғинлар профилактикасини ўтказиш ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш;
- ёнғинларни ўчириш, ёнғин зонасида қолган одамларни ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини қутқариш.
- Ёнғиндан сақлаш хизмати кучлари ва воситаларининг ёнғинлар профилактикаси ҳамда ёнғинларни ўчириш билан боғлиқ бўлмаган ишларни бажаришга жалб қилинишига, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, йўл қўйилмайди.

# Ёнғиндан сақлаш хизматининг турлари

- Ёнғиндан сақлаш хизмати қуйидаги турларга бўлинади :

  -давлат,

  - идоравий

  - кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати.

## Давлат ёнғиндан сақлаш хизмати

- Давлат ёнғиндан сақлаш хизмати ёнғиндан сақлаш хизматининг асосий туридир ва у Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати томонидан амалга оширилади.
- Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг бўлинмалари туманлар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида, ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда белгиланган тартибда ташкил этилади.
- Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг тузилиши, вазифалари, функциялари, ташкил этилиши ва фаолият юритиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

## Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг шахсий таркиби

- Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг шахсий таркиби тегишли штат лавозимларида турган:
- сафдорлар, сержантлар ва офицерлар таркибидан бўлган шахсларни (ходимларни);
- махсус унвонга эга бўлмаган шахсларни (хизматчиларни) ўз ичига олади.

- Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг ходимларига нисбатан ички ишлар органларида хизматни ўташни тартибга солувчи низомлар амал қилади.
- Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг хизматчиларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар амал қилади.
- Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг шахсий таркиби белгиланган намунадаги хизмат кийимига ва фарқлаш белгиларига эга бўлади.

**Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати шахсий таркибини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирлари**

- Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати шахсий таркибининг ҳаёти ва соғлиғи давлат ҳимоясидадир ҳамда белгиланган тартибда давлат томонидан мажбурий суғурта қилиниши лозим.

# Назорат саволлари

1.Ёнғин нима?

2.Ёнғин хавфсизлиги нима?

3.Ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун қачон қабул қилинган?

4.Ёнғин назорати  нима?

5.Ёнғинлар профилактикаси нима?

6.Ёнғиндан сақлаш хизмати нима?

7. Ёнғиндан сақлаш хизматининг қанақа турлари бор?

8. Ёнғиндан сақлаш хизматининг асосий вазифаларига нималар киради?

9. Давлат ёнғиндан сақлаш хизмати нима?